

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
2015 йиллик таҳлилий
МАЪЛУМОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон, 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487-сон, 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сон, 2013 йил 17 декабрдаги “Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кўмагида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини биринчи навбатда амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-2088-сон, 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил Инвестицион дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сон, 2015 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида келишилган битимларни амалга ошириш ва кейинги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2351-сон қарорлари ҳамда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни (07.02.2015 й. 01-08/1-189) топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги матнларда – Миллий кутубхона деб юритилади) томонидан 2015 йил йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Миллий кутубхонанинг асосий кўрсаткичлари

Миллий кутубхонанинг умумий фонди – 7 043 858, шундан босма фонд **25 047** нусхага кўпайди ва умумий сони – **6 682 227** нусхани, электрон кўринишдаги ресурслар – **15 170** нусхага ортиб, умумий сони **361 631** тага етди.

Миллий кутубхона фойдаланувчилари сони – **125 736** нафарни ташкил этиб, ҳисобот даврида кутубхонадан **32 301** нафар фойдаланувчи рўйхатдан ўтди. Ўтган давр мобайнида фойдаланувчиларнинг жами ташрифи – **755 409** маротабани, шундан: кутубхонага ташриф буюрганлар – **618 562**, кутубхона веб-сайтидан фойдаланганлар - **136 847** ни ташкил қилди, китоб бериш – **4 975 200** нусхани ташкил қилиб, веб-сайтдаги ички манбаларга – **381 005** та мурожаатлар бўлди.

Автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш бўйича электрон ресурсларни яратиш, жумладан, электрон каталогни тўлдириш ишлари – **554 479** электрон библиографик ёзувларни ва **361 631** та тўла матнли электрон нашрларни ташкил этди.

Сканерлаш ва нусха кўпайтириш хизмати фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган ҳамда янги адабиётларни электрон нусхасини яратиш бўйича ишлар олиб борилиб, ҳисобот даврида жами **5 836** та нашрларни тўлиқ электрон нусхаси ва **2 801** саҳифа газета ва журнал мақолаларининг электрон шакли яратилди. Жумладан: китоблар – **4 619**, қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар – **447**, ноёб альбомлар – **23**, нодир ва ноёб газеталар – **47** подшивка (3 370 нусха) авторефератлар – **700**.

Ўзбекистон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган йирик фан ва жамоат арбоблари илмий, ижодий меросларини сақлаш мақсадида, тўлиқ матнли электрон маълумотлар базаси CDларда яратилди: Зулфия ижодига бағишланган газета ва журнал мақолалари – 798 саҳифа, академиклар: С.Азимов ҳаёти ва илмий

фаолиятига бағишланган газета ва журнал мақолалари рақамлаштирилди – 95 саҳифа, Р.Бекжонов – 94 саҳифа, Х.Сулаймонова – 89 саҳифа, Ҳ.Раҳмонқулов – 18 саҳифа, Т.Зоҳидов – 278 саҳифа, М.Шарифхўжаев – 94 саҳифа, Э.Ртвеладзе – 699 саҳифа, Ш.Ўразаев – 47 саҳифа, А.Абдукаримов - 425; профессорлар: А.Ғуломов – 42 саҳифа, С.Қораев – 122 саҳифа архив материаллари рақамлаштирилди ва жами – 2 801 саҳифани ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонани молиялаштириши учун давлат бюджетидан **3 317 196,0** минг сўм, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига – **1 370 053,0** минг сўм, ижтимоий тўловлар учун – **316 652,0** минг сўм ва бошқа харажатларга – **1 630 491,0** минг сўм миқдорида маблағлар ажратилди. Ўртача ойлик маош **980,0** минг сўмни ташкил этди. Миллий кутубхонанинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматини айрим турлари (ахборот-кутубхона тармоғи) бўйича тўлов асосида жами **716 082,1** минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини олиб бориш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган давр мобайнида қуйдаги ишлар амалга оширилди:

- кутубхона ходимлари учун 128 853,78 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди;

- “Зомин”, “Бўстон”, “Турон” санаторияларига (3 ходим) йўлланмалар берилди;

- Оқтош (Электромагнит мослашув маркази) дам олиш масканига юборилди;

- “Сокол” болалар дам олиш оромгоҳига 2 та йўлланма, “Конструктор” болалар дам олиш оромгоҳига 1 та йўлланма берилди;

- ходим ва мутахассисларни маданий дам олишлари учун Ўзбекистон Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри спектакллари намоишига 134 чипталар берилди;

- “Наврўз” байрами муносабати билан миллий кутубхона ходимлари ва кутубхона фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди.

2. Маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ўтказилиши тўғрисида

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев томонидан 2015 йил 15 май куни тасдиқланган (2015 йил 20 майдаги ЭДО-07/1-266-сон билан рўйхатга олинган) Республика Маънавият ва маърифат кенгаши мажлисининг мамлакатимизда Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича 2014 йил якуни таҳлили ва 2015 йилда амалда оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисидаги 50-сонли баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинди, ҳамда кутубхонанинг 2015 йил 25 майдаги 56-сон буйруғи чиқарилди.

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил маънавий-маърифий тадбирлар Режаси” ишлаб чиқилиб, Республика маънавият тарғибот маркази билан келишилди (2014 йил 18 декабрь).

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона жами 329 та маънавий-маърифий тадбирларни ўтказди. Шундан:

Ўзбекистоннинг муҳим ва унутилмас саналарига бағишланган 94 та мавзули ва шахсга оид кўرғазмалар, 37 та “Миллий кутубхонага келиб тушган янги нашрлар” кўрғазмалари;

расмлар ва амалий санъат асарлари кўрғазмаси 20 та;
муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 103 та ижтимоий-маданий тадбирлар ва Миллий кутубхонанинг 2015 йилга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан 74 та тадбирлар ташкил қилинди. Шунингдек, кутубхона фаолияти билан таништирувчи экскурсиялар ташкил қилиниб, ўтган давр мобайнида 404 ташкилотдан ёзма мурожаатлар келиб тушди ва унда 10 772 киши қатнашди.

Ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирлар мавзуси, ўтказилиш формати турли кўринишларда ташкиллаштирилди. Жумладан:

Адиб Ойбек таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан “Устоз Ойбек меросидан” мавзусида давра-суҳбати;

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Мардлар кўриқлайди Ватанни!” мавзусида давра-суҳбати;

Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер М.Исҳоқова таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кўрғазма;

Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр Р.М.Глиэр таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан кўрғазма;

“Ижтимоий тармоқдан фойдаланиш билан боғлиқ долзарб муаммолар, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси тармоқда ўзини қандай тутиши лозимлиги” мавзусида семинар-тренинг;

“Ахборот-коммуникацион технологиялардан (e-xat, e-hujjat) фойдаланиш, малакасини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” мавзусида семинар-тренинг;

“Олий таълим муассасаларида диний экстремистик оқимлар, миссионерлик, “Оммавий маданият” билан боғлиқ мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш” мавзусида семинар-тренинг;

Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 140 йиллигига бағишланган адабиётларнинг очик кўрғазмаси;

“Ахборот глобаллашуви жараёнида миллий ахборот маконини шакллантириш, ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган самарали ишларни ёшлар онгига сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар” мавзусида семинар;

Алишер Навоий таваллуди муносабати билан “Навоий назмига боқсанг...” мавзусида маданий-маърифий тадбир;

Санъатшунос олим, академик Г.Пугаченкованинг 100 йиллигига бағишланган кўрғазма;

“Анда жоним қолди...” мавзусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунига бағишланган маънавий-маърифий кеча;

Таълим муассасалари масъул ходимлари учун “Замонавий ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари, жамоат ва сиёсий ташкилотлар билан ишлаш шакл ва усуллари” мавзусида семинар;

Ёзувчи Саломат Вафонинг "Номсиз кема" номли китоби тақдимоти;

“Халқаро она тили куни” муносабати билан адабий-бадиий кеча;

“Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талаба-ўқувчилари орасида “Ўргимчак тўри” рукни остида ижтимоий тармоқларнинг ижобий ва салбий томонлари” мавзусида давра суҳбати;

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Баҳор келди сени сўроқлаб” мавзусида ижодий кеча;

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон халқ артисти, профессор М.Раззоқова билан ижодий учрашув;

“Дунёда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролига эгалик қилиш, сиёсий ва диний радикализм, экстремизм, қурол ва одам савдоси, терроризм, оғуфурушлик, этник ҳамда миллатлараро зиддиятларнинг авж олишида ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни” мавзусида давра суҳбати;

Тилшунос олим, филология фанлари доктори В.Решетов таваллудининг 115 йиллигига бағишланган адабиётлар кўргазмаси;

“Ягона давлат интерактив хизматлари порталида фуқаролар ва тадбиркорлар учун таклиф этилаётган хизматлар, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг;

“Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ фаолият кўрсатаётган Ziyonet жамоат ахборот таълим тармоғининг бугунги кундаги фаолияти” мавзусида семинар;

Тилшунос мутафаккир Маҳмуд Замахшарийнинг 940 йиллигига бағишланган “Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон” мавзусида илмий-назарий семинар;

“Кибер жиноятчилик ва унинг таҳдидидан шахсни ҳимоя қилиш” мавзусида семинар-тренинг;

“Ўзбекистонда ҳужжатли меросни сақланиши ва фойдаланиш” мавзусида семинар-тренинг;

“Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларнинг ижобий ва салбий оқибатлари” мавзусида семинар-тренинг;

Рассом Х.Содиқовнинг “Ўзбек халқлари эртаклари” номли китобга чизган расмлар тақдимоти;

“Халқаро болалар китоби куни” га китоблар кўргазмаси;

Д.Шокировнинг “Сен ҳақ бўлсанг” номли ҳужжатли фильмининг тақдимоти;

Буюк саркарда Амир Темур таваллудига бағишланган “Соҳибқирон” мавзусида учрашув кечаси;

“Ғоявий, маънавий-маърифий, илмий, бадий, спорт, ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ўйинлар ва бошқа йўналишларда миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш-бугунги кун талаби” мавзусида давра-суҳбати;

“Илм-фан куни”га китоб-расмни кўргазма ва “Академнашр”нашриёти томонидан чоп этилган янги китоблар тақдимоти;

“Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш куни”га бағишланган китоб тақдимоти;

“Интернет ва терроризм” мавзусида семинар;

“Ўқувчи ёшлар замонавий ахборот технологиялари билимларини мукамал эгаллашлари учун, дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларида махсус тўғарақлар ташкил этиш” мавзусида семинар;

Ўзбекистон халқ артисти Г.Загурская таваллудининг 110 йиллигига китоб-расмни кўргазма;

А.Саидовнинг “Жаҳон адабиёти дурдоналари” номли китоби тақдимоти;

“Чет тилларни турли соҳаларга йўналтирилган ҳолда ўқитиш” мавзусида анжуман;

Халқаро фотосуратчи Джакомо Пироззининг суратга олиш бўйича маҳорат мактаби;

Адабиётшунос олим, профессор Ҳ.Сулаймонов таваллудининг 105 йиллигига кўргазма;

“Авлодлар қалбида хотира абадий” мавзусида адабий кеча;
Журналист Т.Қоратоевнинг “Яхшилик фалсафаси” китоби тақдироти;
Физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
С.Ҳ.Сирожиiddинов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган китоблар
кўрғазмаси;
Ал-Хоразмий таваллудининг 1235-йиллигига бағишланган “Шарқнинг буюк
мутафаккири” мавзусида илмий-амалий анжуман ва китоблар кўрғазмаси;
“Ижтимоий тармоқда мулоқот қилиш, ёшларнинг медиа саводхонлигини
ошириш” мавзусида давра суҳбати;
“Амир Темур ва Темурийлар даври архитектураси” мавзусида илмий-амалий
семинар;
"Эркин Аъзам бадий олами" китоби тақдироти;
“Таълим муассасаларида ижтимоий тармоқларнинг мақсади, вазифалари ва
улар ҳақида тушунчалар” мавзусида семинар;
Академик А.Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номли
китоби тақдироти;
Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзонинг “Каллахоналик йигит” номли
китоби тақдироти;
М.Аҳмедованинг “Жўнатилмаган мактуб” номли китоби тақдироти;
"YES-youг english" инглиз тили клубининг "Ўзбекистонда таълим"
мавзусидаги мулоқоти;
“Ёшлар маънавиятига даҳл қилувчи турли хил кўнгилочар, ахлоқсиз
сайтларнинг салбий оқибатлари” мавзусида давра-суҳбати;
“Академнашр” нашриётида чоп этилган Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу
билиг” китоби тақдироти;
Арман маданият маркази ҳамкорлигида “Тошдаги ҳарфлар - Буквы на
камнях” номли китоби тақдироти;
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи Эркин Самандар билан
ижодий учрашув;
“Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши курашиш куни”га бағишланган фильм
намоиши;
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Болалик олами”
мавзусида тадбирлар туркуми: “Раққоса айиқхон” номли китоб тақдироти, “Китоб
бекатлари” номли викторина, “Болалик-беғуборлик тимсоли” мавзусида китоб-
расмни кўрғазма;
“Ораста қизлар” гуруҳининг “Китобхонлик ва мутолаа маданияти”
мавзусида ўтказган машғулотлар ҳафталиги якуний босқичи;
Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад
таваллудининг 95 йиллигига “Инсон уфққа интилади” мавзусида хотира кечаси;
“Россыпь жемчужин” номли китоб тақдироти;
“Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги Қонуннинг
амалдаги ижроси” мавзусида семинар;
“Ёшлар маънавиятини оширишнинг муҳим омили сифатида ахборот-
кутубхона ресурсларини бойитиш” мавзусида конференция;
Халқаро олимпиада кунига бағишланган “Чемпионлик-кўнгил эҳтиёжи”
мавзусида китоб-расмни кўрғазма;
Е.К.Бетгер ҳаётига бағишланган библиографик обзор ва “Китобларга
бахшида умр” мавзусида кўрғазма;

“Юксак маънавиятли авлод” ёшлар ижодий фестивалининг республика босқичининг 8 та – “Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом”, “Энг иктидорли ҳунарманд”, “Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер”, “Мустақиллик тарихи билимдони”, “Юксак маънавиятли авлод – Ватан куйчиси”, “Бадиий ижод”, “Президент асарлари билимдони” номинациялари ташкил қилинди;

Ўзбекистон Республикасининг давлат Герби тасдиқланган кунга бағишланган кўрғазма;

“Болалардаги қобилиятни ривожлантириш йўллари” мавзусида маъруза;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қорақалпоғистон халқ рассоми И.В.Савицкий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Среднеазиатский Третьяков» мавзусида китоб-расмни кўрғазма;

Шарқнинг улуғ алломаси, файласуф, табиб ва шоир Абу али Ибн Сино таваллудининг 1035 йиллигига бағишланган “Буюк аллома комусий олим” мавзусида китоб-расмни кўрғазма;

АҚШ рақс дастасининг “Америка маҳалий аҳолиси рақслари” (Нативе Приде Дансерс) мусиқий дастури;

Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган “Мустақиллигимиз тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир” мавзусида давра суҳбати;

“Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати” китоби тақдимоти;

“Очик эшиқлар ҳафталиги” тадбирлар туркуми: кутубхона билан таништирув саёхатлари, ахборот-кутубхона фонди ва кутубхона ресурслари билан таништирувчи тадмотлар, илмий-таълимий хорижий электрон базалар билан ишлаш кўникмасини шакллантирувчи машғулотлар ташкил қилинди;

Ўзбекистон Мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Юртим жамоли» фототанлови ғолибларини тақдирлаш маросими;

“Ёш сиёсатчи – 2015” республика танловининг якунловчи тадбирлари;

Ўзбекистон халқ артисти Ш.Бурхонов таваллудининг 105 йиллигига бағишланган “Саҳнада яшаш керак” мавзусида хотира кечаси, адабиётларнинг очик кўрғазмаси ва фильм намойиши;

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир” асари мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи маънавий-маърифий тадбир;

“Кеча ким эдику-бугун ким бўлдик” мавзусида давра суҳбати;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби П.Борисовнинг “Скрипка, нотки откровения” китоби тақдимоти;

Ўзбекистон халқ артисти О.Хўжаев таваллудининг 105 йиллигига бағишланган “Санъат бўстонида сўнмайди номи” мавзусида хотира кечаси, адабиётларнинг очик кўрғазмаси ва фильм намойиши;

"Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёти, муаммолари ва ҳозирги замон" мавзусида илмий-амалий семинар;

Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан "Устозларни эъзозлаган юрт" номли кўрғазма ва давра-суҳбати;

“Ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантиришда ижтимоий тармоқларнинг тутган ўрни” мавзусида семинар-тренинг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат тили қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан “Она тили-миллат кўзгуси” номли давра-суҳбати, китоб кўрғазмаси;

“Ижтимоий тармоқлардан тўғри мақсадларда фойдаланиш, суҳбатлашиш одоби ҳамда миллий мафкурамизга зид бўлмаган ахборот-ресурслардан фойдаланишни тарғиб этиш” мавзусида давра-суҳбати;

9-13 ноябрь кунлари IV Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги “INFOLIB-2015” тадбирлари:

Бетгерхонлик – 2015. “Фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни” мавзусида илмий конференция;

Академик А.Қаюмов ва профессор Д.Азимовалар томонидан Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутахаййирийн” асари бадиий таржимасининг тақдимоти;

Тошкент шаҳри умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун “Адабиёт билимдони” адабий викторина;

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан “Юрак, сўйла абадиятдан” мавзусида ижодий учрашув;

Тошкент шаҳри мусиқа коллеж ва академик лицейлари талабалари учун “Мусиқа билимдони” мусиқий викторина;

Бошланғич синф ўқувчилари учун “Ахборот маданияти ва медиасаводхонлик” мавзусида маҳорат дарси;

Буюк Британияда таълим: олий таълим муассасалари ва таълим тизими тўғрисида маълумот;

Корейс тили билимларини аниқлаш бўйича халқаро TOPIC тести ва танлов;

Немис тилини ўрганиш бўйича амалий тавсиялар;

Инглиз тили билимлари бўйича халқаро IELTS тестлари: амалий тавсиялар;

“Жаҳон адабиёти” журнали жамоаси билан ижодий учрашув;

Халқ амалий санъати бўйича семинар-тренинг ва бошқалар;

Ўзбек миниатюра санъати асосчиси, рассом Камолиддин Бехзод таваллудининг 560 йиллигига бағишланган “Ўзбек Рафаэли” мавзусида давра-суҳбати;

Ўзбекистон ФА академиги, адабиётшунос олим Иззат Султон таваллудининг 105 йиллигига бағишланган “Адабиёт илмининг султони” мавзусида библиографик обзор;

Ўзбекистон халқ артисти Р.Ҳамроев таваллудининг 105 йиллигига бағишланган “Насриддиндан Навоийгача” мавзусида хотира кечаси;

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан “Бахтимиз қомуси” мавзусида давра-суҳбати ва кўргазма;

Ўзбекистон халқ артисти, опера кўшиқлари ижрочиси С.Қобулова таваллудининг 85 йиллигига бағишланган “Саҳнада кўнглим куйлайди” мавзусида китоб-расмли кўргазма;

Олим, географ, тилшунос ва таржимон С.Қораевнинг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Бўронларда бордек ҳаловат” мавзусида библиографик обзор;

Ўзбекистон халқ рассоми Қ.Башаров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган китоб-расмли кўргазма ва бошқалар.

Миллий кутубхона фаолияти ва унда ташкил қилинаётган тадбирлар Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан мунтазам равишда ёритилиб борилди. Жорий йилда кутубхона мутахассислари мақолалари (“Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Правда Востока” “Хабар” газеталари ва “Kutubxona.uz”, “Infolib – Ахборот-кутубхона хабарномаси”, “Библиотечная Ассамблея Евразии”

журналларида) чоп этилди. “Ўзбекистон”, “Тошкент”, “Ёшлар”, “маданият ва маърифат”, “UzReport” телеканаллари кўрсатувлари ва “Тошкент”, “Маҳалла”, “Ўзбекистон” радиоканалларида Республикамизда ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланиш истиқболлари, соҳага оид қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун ва моҳиятини ёритувчи ҳамда Миллий кутубхона фаолиятига бағишланган тўғридан-тўғри мулоқотларда иштирок этдилар. Шунингдек ушбу тадбирлар юзасидан кутубхона веб-сайти www.natlib.uz да ҳамда Электрон оммавий ахборот-воситаларида маълумотлар ёритиб борилди.

3. Миллий кутубхонада ихтисослашган илмий ва оммавий анжуманларни ўтказилиши

ЮНЕСКО Қатнашув дастурида тасдиқланган “Очиқ таълим манбаларини ривожлантириш ва кутубхоналарда ҳужжатли меросни сақлаш” лойиҳаси доирасида 16-20 март кунлари “Ҳужжатли меросни сақланиши ва очиклиги” мавзусида семинар-тренинг ташкил қилинди. Семинарда ахборот-кутубхона муассасалари, ахборот-ресурс марказлари, музей ва архивларнинг нодир нашрлар фондлари билан ишловчи мутахассис ва ходимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-ф-сонли фармойишининг “Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”нинг 25-бандига асосан Миллий кутубхона томонидан “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусида IX Халқаро конференцияси 22-25 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Конференция ишида Озарбайжон, Беларусь, Буюк Британия, Олмония, Қозоғистон, Қирғизистон, Уммон, Россия, Туркия, Украина, АҚШ, Чехия давлатларидан 20 дан зиёд ҳорижлик мутахассислар, 267 та Республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди.

Конференция ўз ишини ялпи мажлис, 4 шўъба, 3 та семинар, 3 та тренинг ва маҳорат дарсида олиб борди ҳамда жами 74 та маъруза тингланди. Шунингдек, 2015 йил 7-21 апрель кунлари конференция доирасида АҚШнинг Мариотта кутубхонаси реставрация ва консервация ишлари бўйича мутахассис Рэнди Силверман томонидан ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари малакасини ошириш мақсадида амалий машғулотлар ташкил қилинди. Конференция натижаларига кўра якуний ҳужжат тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига маълумот учун киритилди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2015 йил 4 февралдаги (07.02.2015 й. 01-08/1-189) 9-сон баёни 3-иловасининг 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловининг биринчи – туман босқичи 2015 йил май ойида ўтказилди ва Миллий кутубхона барча худудлардан танлов баённомасини қабул қилди.

Кўрик танловнинг Низом талабларидан келиб чиқиб, Миллий кутубхона мутахассислари иккинчи босқичда ҳакамлар ҳайъати таркибида иштирок этишлари ҳамда танловнинг иккинчи (вилоят) босқичи жорий йилнинг 1 августигача ўтказилиши белгиланганини инобатга олиб, Миллий кутубхона директорининг “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловининг иккинчи босқичини ўтказиш тўғрисидаги 2015 йил 3 июлдаги 63-сон буйруғи қабул қилинди.

Миллий кутубхона раҳбар ва мутахассисларидан иборат гуруҳ 2015 йилнинг 21-27 июль кунлари кўрик танловнинг иккинчи босқичини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда хизмат сафарларида бўлишди.

2015 йил 10-11 ноябрь кунлари танловнинг якуний III республика босқичида жамоалар беллашди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоаларида жами 54 нафар – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди.

“Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловининг 2015 йил ғолиби Фарғона вилояти жамоаси, иккинчи ўрин Андижон вилояти жамоаси, учинчи ўрин Тошкент вилояти жамоаси деб топилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан вазир ўринбосари Д.Муллажоновнинг 2015 йил 2 июлдаги №01-11-08-3617 сонли хати қабул қилинди ва вазирлик тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари ушбу кўрик танловда иштирок этмасликлари қарор қилинган.

Жорий йилнинг 5 август куни тасдиқланган “ЮНЕСКО нинг “Жаҳон хотираси” дастурига ноёб ҳужжатли меросларни тақдим этиш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш дастури”га асосан 2015 йил 15-17 сентябрь кунлари кутубхонада ўқув машғулотлари ўтказилди.

Мазкур ўқув машғулоти ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида ташкил қилиниб, унда Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан (4 нафар), Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказларидан (5 нафар), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги музейлардан (4 нафар), “Ўзархив” агентлигидан (4 нафар), “Олтин мерос” жамғармасидан (11 нафар), Ўзбекистон давлат консерваториясидан (1 нафар) ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясидан (2 нафар), жами - 31 нафар мутахассислар иштирок этди.

Ўқув машғулотларида тингловчиларга ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурига номзодномаларни тайёрлаш, тақдим этиш масалалари бўйича ўрнатилган талабларни ёритувчи тақдимотлар, маърузалар ва тингловчилар томонидан тайёрланган номзодномалар лойиҳалари тингланди. Лойиҳалар ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси экспертлари ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари томонидан муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Фуқаролар ва ёшларнинг ахборот маданияти ва медиа саводхонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни медиавоситаларда тақдим этилаётган ахборотлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш, ёшларда миллий менталитетимизга ёт бўлган хуружлардан ҳимояланиш имунитетини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланиб, бу ахборот-кутубхона тизимига ҳам тааллуқли.

Миллий кутубхона томонидан ишлаб чиқилган «Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантириш» лойиҳаси доирасида 2015 йилнинг октябрь ойида ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантириш бўйича 10 кунлик семинар-тренинг ташкил

қилинди. Тадбир халқаро эксперт ИФЛА ва "Ахборот ҳамма учун" ЮНЕСКО Дастурининг доимий аъзоси, Кемерово давлат маданият ва санъат университети, ижтимоий соҳа ахборот технологиялари илмий тадқиқот институти директори, профессор Н.И.Гендина томонидан олиб борилди.

Тренингларда республика ахборот-кутубхона муассасаларининг 20 нафар: Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан (10 нафар), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларидан (9 нафар), Тошкент ахборот-технологиялари университетидан (1 нафар) мутахассислари иштирок этди. Ушбу семинар-тренинг Миллий кутубхона ва Ўзбекистондаги ЮНЕСКО ваколатхонаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Кутубхона томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Infolib - 2015" Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги 9-13 ноябрь кунлари ташкил қилинди. Унда жами – 21 525 киши қатнашди, ҳафталик давомида кутубхона рўйхатидан - 812 киши ўтди, кутубхона имкониятлари билан таништирув экскурсиялари - 39 та ўтказилди, 40 дан зиёд турли тадбирлар ташкил қилинди.

Ҳафталик доирасида республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун "Фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантиришда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни" мавзусида илмий конференция, маҳорат дарслари ташкил қилинди. Илмий конференция ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг фаолиятида ахборот муҳитини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ягоналикни таъминлашда рақамли макон ва замонавий медиа контентни ривожлантириш ҳамда билимларни оммалаштириш ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш каби масалаларни ёритди.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар

"Ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан ахборот-кутубхона ресурсларини чиқариш ҳақида" ва "Ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фондларининг сақланиши ҳақида" Низомлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўрнатилган тартибда киритилди.

"Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхоначилик ресурслари. Каталоглаштириш қоидалари." Давлат стандартининг биринчи лойиҳаси Ўздавстандартнинг техник топшириқларига мувофиқ ишлаб чиқилди. Давлат стандарти лойиҳаси "UNICON.UZ" Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонасига юборилди.

Давлат стандарти лойиҳаси "UNICON.UZ" Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб Давлат стандартининг иккинчи лойиҳаси тайёрланди.

"Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари меҳнат муҳофазаси" Қоидалари бўйича ҳужжатнинг дастлабки варианти тайёрланди, тузатишлар ва таклифлар асосида тўлдирилди ва РМКга масалалар режасига киритилди.

"Ахборот-кутубхона муассасалари ресурсларини нодир ва алоҳида қимматга эга нашрларга киритиш тартиби ҳақида" ҳужжати ва "Нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар сертификация ва ҳисоби тизими" Концепциясининг дастлабки кўриниши тайёрланди.

“Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Машина ўқий оладиган коммуникатив формат UZMARC авторитет/меъерий маълумотлар учун авторитет/меъер Authorities ва “Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Машина ўқий оладиган коммуникатив формат UZMARC Classification классификация маълумотлари учун (3-қисм) давлат стандартини ишлаб чиқиш учун техник топшириқ тайёрланди.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома “Ўзархив” агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди, келишилди ва ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигига киритилди.

Универсал ўнли классификация (УЎК) жадвалининг Миллий вариантини барча ахборот-кутубхона муассасаларига жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Биринчи чоракда УЎК халқаро Консорциуми (UDC Consortium) билан музокаралар олиб борилди. Консорциум томонидан имтиёзли (бепул) инглиз тилидаги УЎКнинг қисқа варианты тақдим этилди ҳамда ВИНТИ РАН билан УЎКни рус тилидаги кенгайтирилган шаклини сотиб олиш бўйича музокара олиб борилди. УЎК харид қилиш бўйича тендер эълони тайёрланиб, 2015 йилнинг август ойида харид қилинди. УЎК жадвалини ўзбек тилига таржима қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг волонтерлар ва волонтерлик фаолияти ҳақида” Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди, келишилган тартибда тасдиқланди (2015 йил 3 февраль).

“Йиғма электрон каталог тўғрисида” Низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Республика методик кенгашининг 21-сон баёни (2015 йил 28 май) билан тасдиқланди.

“Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон каталоги тўғрисида” Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди, иш тартибида келишилди ва тасдиқланди (2015 йил 28 апрель).

“Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-кутубхона фондлари тўғрисида” Низом ишлаб чиқилди ва раҳбарият билан келишилди ва тасдиқланди (2015 йил 18 декабрдаги № 105 буйруқ).

5. Миллий кутубхонада интерактив давлат хизматларининг жорий этилиши

Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти орқали интерактив давлат хизматлари орқали фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Унда:

- давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш (<http://www.natlib.uz/uz/articles/16/>); фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (<http://www.natlib.uz/uz/contacts>);

- илм-фан, таълим, ахборот ва маданият соҳаси бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари,

шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхатини тақдим этиш (<http://www.natlib.uz:5555/Home/Search>);

- электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш (<http://www.natlib.uz:5555/>) каби хизматлар тақдим этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги 27-сон қарорига асосан Миллий кутубхонага миллий ва хорижий ахборот ресурслари маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилган бўлиб, www.reestr.uz тизимида 24.06.2013 йил P00259 – рақами билан ва ISBN (International Standard Book number) китобнинг халқаро стандарт тартиб рақамини онлайн тарзда тарқатиш хизмати ишлаб чиқилди ва www.reestr.uz тизимида 05.06.2015 йил 00487 рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонанинг қуйидаги 8 та техник лойиҳалари бўйича олиб борган ишлари яқунланди:

“ISBN, ISSN ва УЎК, КБК” рақамларини бериш” интерактив онлайн;

“Нодир нашр ва қўлёзмалар маълумот базасини яратиш, сақлаш ва аниқ тақдим қилиш жараёнини автоматлаштириш”;

“Миллий кутубхонанинг ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик ҳисоботини автоматлаштириш”;

“Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси”;

“Имидж каталог”;

“Шахсий кабинет”;

“Йиғма электрон каталог” - онлайн дастури;

“Мультимедиа ахборот базаси”.

6. Миллий кутубхонада техник лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида

Миллий кутубхона томонидан “Ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун махсус ускуналар билан жиҳозлаш” ўрнатилган тартибда Тендер комиссияси ташкил қилинди, икки маротаба оммавий ахборот воситаларида эълон берилди. Тендерда қатнашиш учун компаниялар томонидан таклифлар келиб тушмаганлиги сабабли, тендер савдолари ўтказилмаган деб ҳисобланди. Миллий кутубхона ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун махсус ускуналарни молиявий ташкилот билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги № 456-сонли қарори асосида харид қилинади.

“Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси доирасида ЭКСИМБАНК томонидан юборилган 5 та консалтинг компаниялари (шорт-лист) ўртасидан 3 та компания тавсия этилди ҳамда танловга таклиф қилинди. Танлов асосида Кореянинг КСС компанияси билан тендер ҳужжатларини тайёрлаш учун контракт 24 март куни имзоланди.

Корея Республикасининг “КСС Information & Communication” консалтинг компаниясининг 8 та мутахассиси жорий йилнинг 27 апрелидан 22 майга қадар лойиҳа доирасида Миллий кутубхона, 20 та йирик ахборот-кутубхона муассасалари, телекоммуникациялар инфратузилмасини, Интернет провайдер, республикада жорий қилинган турли лойиҳаларни ўрганди. Ишлар натижасига

кўра компания томонидан дастлабки ҳисобот тайёрланди ва унинг асосида янги лойиҳа учун зарурий маълумотлар йиғилди. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси бўйича ишларни жадаллаштириш мақсадида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий кутубхона ва Корея Республикасининг “KCC Information & Communication” консалтинг компанияси билан ишлар электрон почта, ўзаро маслаҳатлар орқали амалга оширилди ва 17-21 сентябрь кунлари компания мутахассисларини Миллий кутубхонага навбатдаги ташрифи амалга оширилди. Ташриф доирасида компания томонидан лойиҳа доирасида бажарилган ишларнинг 4 ойлик ҳисоботи, лойиҳалаштириш бўйича ҳисоботи ҳамда вазирлик ва идоралар билан ўрнатилган тартибда келишиш учун Тендер ҳужжатлари лойиҳаси тақдим этилди. Шунингдек, томонларнинг “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва KCC Information & Communication компанияси ўртасида ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома” сени рўйхатдан ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Миллий кутубхона томонидан тендер ҳужжатлари лойиҳаси кўриб чиқилди ва 2015 йил 15 декабрда келишиш учун ЭКСИМБАНКнинг Сеулдаги бош офисига юборилди.

7. Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг фаолияти

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгаши ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқувчи идоралараро коллегиял орган ҳамда ахборот-кутубхона фаолияти ва уни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини, стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқарувчи, идоралараро ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширувчи, ахборот-кутубхона муассасаларини улар фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ривожлантириш ишларини мувофиқлаштирувчи ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг методологик асосларини ташкил этувчи орган сифатида 7 маротаба йиғилиш ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонунини ахборот-кутубхона муассасаларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимларида бажарилиши, Ўзбекистон Республикасининг “Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тўғрисида”ги қарорлар лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 9 июлдаги “Нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрлар сақланишини таъминлаш, уларнинг фондиди тизимли кўпайтириш ва бойитиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 202-сон қарорини бажарилиши, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2015 йил 4 февралдаги 9-сон баёни қарори ижроси, “Ахборот-кутубхона муассасасида фойдаланувчиларга пуллик хизматлар кўрсатиш тўғрисида намунавий Низом”

лойиҳаси, “Ахборот-кутубхона муассасаларини автоматлаштириш”, “АКМ мутахассисларини ахборот маданияти ва медиа саводхонлигини шакллантириш” Концепциялари лойиҳалари, “Йиғма электрон каталоги Низоми” лойиҳаси, “Ахборот-кутубхона ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш Қоидалари” лойиҳаси, Намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини олиб борилиши ҳолати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги 56-Ф-сон фармойиши асосида “Central Asia 2015. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусидаги 9-Халқаро конференциясини ҳамда 2015 йил “Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги”га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси, Республика методик кенгашининг 2015 йил Иш режаси ва ҳисоботлари, Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш Жамғармасидан устувор лойиҳаларни маблағлар билан таъминлаш ишларини бориши, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловини ўтказишни ташкиллаштириш, танловнинг биринчи босқичи яқунлари ва иккинчи босқичини ўтказиш, Маҳалла кутубхоналарини ташкил қилиш, уларни жиҳозлаш ва меъёрий-методик қўлланмалар билан таъминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини бориши, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муассислигида нашр этиладиган “INFOLIB” ахборот-кутубхона Хабарномаси - “INFOLIB” информационно-библиотечный Вестник” журнали Концепцияси ва Низоми ҳамда материалларни тақдим этиш, Корея Республикасининг Эксимбанк мутахассисларини Ўзбекистон Миллий кутубхонасига амалий ташрифи яқунлари, Ўқув муассасалари тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларида сақланиб келинаётган фондларни хатловдан ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

8. Халқаро алоқаларни ривожланиши ва ҳолати

Миллий кутубхона томонидан Британия кутубхонаси, Россия Миллий кутубхонаси, Украина Миллий парламент кутубхонаси, Беларусь Миллий кутубхонаси, Туркия Миллий кутубхонаси, Исроил Миллий кутубхонаси, Литва Миллий кутубхонаси, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси, Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ишлаб чиқилди. Ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги №1487-сонли “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда Миллий кутубхонага қўйилган вазифалардан бири (1-илова 12-банди), соҳа бўйича халқаро конференцияларда иштирок этиш ва халқаро кутубхоначилик кооперацияларини фаоллаштириш, жумладан, IFLA (Кутубхоначилик ассоциацияларнинг халқаро федерацияси) халқаро ташкилоти аъзолари сафига бадал пулини тўлаш йўли билан кириш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимовдан ушбу масала бўйича Марказий банк, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига ўрнатилган тартибда кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Ҳозирги кунда бадал пули республиканинг тўловлар Рўйхатига киритилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбар ва мутахассислари 2015 йилнинг 31 майдан 11 июнига қадар АҚШ кутубхоналари иш тажрибалари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Хизмат сафари доирасида АҚШ нинг Вашингтон, Бостон, Нью-Йорк шаҳарларида жойлашган кутубхоналар, Америка кутубхоначилик ассоциацияси, соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган таълим муассасалари, музей кутубхоналари (жами - 13 та) иш фаолияти яқиндан ўрганилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 24 июлидан 1 сентябрга қадар Корея Республикасининг Сеул шаҳридаги Кёнхи Университети билан имзоланган ҳамкорлик шартномасига асосан 6 нафар кутубхона раҳбар ва мутахассислари 10 кунлик малака ошириш ўқишларида бўлишди.

15-17 сентябрь кунлари Озарбайжоннинг Баку шаҳрида ташкил қилинган IV-Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ишида Миллий кутубхонанинг комплектлаш хизмати раҳбари иштирок этди.

14-16 декабрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Россия ҳукумати томонидан ташкил қилинган “Халқаро маданий форум” доирасида ташкил қилинган «МДХ доирасида Китоб ва Мутолаа» масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбатида директор ўринбосари иштирок этди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида, халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Ўзбекистондаги хорижий элчихоналари) иштирокида жами 34 та тадбир, 28 та хорижий делегациялар ташрифини ўтказди.

Миллий кутубхона Халқаро китоб айирбошлаш фаолияти бўйича 1 685 нусха ресурсларни хорижий ҳамкор кутубхоналарга юборди.

9. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича

Миллий кутубхона директорининг 2014 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида” 25-сон буйруғи қабул қилинди ҳамда Миллий кутубхонада Давлат дастурини бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Режаси тасдиқланди. Ҳисобот даврида режа асосида қуйдаги ишлар амалга оширилди:

Миллий кутубхонанинг “Тафаккур” ўқув залида “Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан “Кексалари эъзоз топган юрт” мавзусида адабиётларнинг очиқ кўргазмаси ташкил қилинди;

“Кексалари эъзоз топган юрт” методик-библиографик қўлланмани тайёрлаш бўйича республикамизда чоп этилган китоблар, газета ва журнал мақолалари жамланиб, библиографик рўйхатининг электрон шакли кутубхонанинг расмий веб-сайти www.natlib.uz га жойлаштирилди.

Март ойидан Миллий кутубхона фойдаланувчиси сифатида имтиёзли рўйхатдан ўтказиш (55 ёшдан катта аёллар, 60 ёшдан катта эркеклар) ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида 518 нафар кексалар кутубхона рўйхатидан имтиёзли равишда ўтказилди;

Кекса ёшдаги фойдаланувчилар учун «Компьютер саводхонлиги ва Интернетда фойдаланиш» ижтимоий лойиҳаси асосида 9 та ўқув машғулотлари ташкил эилди. Ўқув машғулотлари давомида тингловчилар Microsoft World, Microsoft Excel дастурларида ишлашни, электрон почта очишни, керакли маълумотни Интернет тармоғи орқали излашни ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон ресурсларидан уйдан туриб фойдаланиш имконияти ҳақида

тушинчага эга бўлдилар. Ўқув машғулотларида қатнашганлар сони 102 нафарни ташкил этди. Таълим олувчилар 65-81 ёшдаги кексалардан иборат.

Ўтган давр мобайнида 335 нафар кекса ёшдаги фойдаланувчилар учун кутубхона фаолияти билан таништирувчи экскурсиялар ташкил қилинди;

“Хотира абадий – кадр муқаддас” тадбирлар туркуми доирасида Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, меҳнат фахрийлари билан учрашув, китоблар кўргазмаси, фильм намойиши ташкил қилинди;

Китоб кўргазмалар залида Юнус-Обод тумани “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда “Кексаларни эъзозлаш – улуғ фазилат” мавзусида фотогалерея ташкил қилинди;

“Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон” мавзусида илмий-назарий семинар Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинди;

“Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий илмий мероси” мавзусида илмий анжуман Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Шарқшунослик институти қошидаги қўлёзмалар маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинди;

Ўзбекистон халқ артисти, актёр ва режиссер А.Турдиев (1910-1978) таваллудининг 105 йиллигига “Санъатга фидойи инсон” мавзусида китоб-расмли кўргазма ташкил қилинди;

Ўзбекистон халқ артисти Т.Жаъфарова таваллудининг 100 йиллигига “Истеъдодли театр ва кино актрисаси” мавзусида адабиётларнинг очиқ кўргазмаси ташкил қилинди;

Имом ал-Бухорий (810-870) таваллудининг 1205 йиллигига бағишланган “Ҳадис илмининг султони” мавзусида китоб кўргазмаси ва фильм намойиши ташкил қилинди;

Шоир Бобораҳим Машраб таваллудининг 375 йиллигига "Чамандин айрилиб бўлмас" номли давра-суҳбати, адабиётларнинг очиқ кўргазмаси;

Файласуф, математик олим ал-Фаробий ҳаётига бағишланган “Sharq Arastusi” мавзусида библиографик обзор;

Ўзбекистон халқ артисти А.Ҳидоятлов таваллудининг 115 йиллигига бағишланган “Ўзбек Отеллоси” мавзусида китоб-расмли кўргазма;

"Кексалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" нинг тақдимоти ташкил қилинди.

Миллий кутубхонада аҳолига ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратиш, мутахассисларни касбий малакасини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш ишларини оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилиш тадбирларини режавий амалга ошириш ишлари давом эттирилди.

10. Миллий кутубхона томонидан республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганиш ва методик ёрдам кўрсатиш

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ахборот-кутубхона мутахассислари билим даражасини ошириш бўйича” назарий ва амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув курсларини ташкил қилиш тўғрисида 2014 йил 24 декабрь 99-сон буйруғи қабул қилинди.

Хафталик ўқув курсларида 2015 йил давомида жами – 226 киши қатнашди. Жумладан:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 32 нафар;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари – 6 нафар;

ФА Асосий кутубхонаси мутахассислари сони – 4 нафар;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 1 нафар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 4 нафар;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 168 нафар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ахборот-ресурс марказидан мутахассислари сони – 1 нафар;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 6 нафар;

Адлия вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 1 нафар;

Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 2 нафар;

“Қамолот” ЁИХ тизимидаги ахборот-кутубхона муассасаларидан – 1 нафар.

Худудлар билан ишлаш

Ҳисобот даврида Республика методик кенгаш йиғилишининг 2015 йил 15 январдаги 18-сон баёни 8-12 бандлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2015 йил 4 февраль 10-сон “Республикадаги Ўрта-махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларида сайёр семинарлар ташкил қилиш тўғрисида” буйруғи қабул қилинди. Буйруқнинг 1-иловасида йил давомида ўтказиладиган сайёр семинарлар режа-жадвали тасдиқланди.

Ишчи гуруҳ 2015 йилнинг 16-20 февраль кунлари Сирдарё ва Жиззах, 16-18 март кунлари Андижон, 6-8 апрель кунлари Наманган, 3-5 декабрь Фарғона вилоятларида хизмат сафарида бўлишди.

Хизмат сафари давомида Сирдарё вилояти бўйича жами 16 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди: Ховос тумани Транспорт касб-хунар коллежи; Гулбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи; Меҳнатобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; 4 Оқ олтин саноат касб-хунар коллежи; Оқ олтин гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи; Фарғона қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; Боёвут 2 Агросаноат касб-хунар коллежи; Боёвут 3 енгил саноат ва агросервис касб-хунар коллежи; Боёвут саноат касб-хунар коллежи; Сайхунобод қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; Сайхунобод пахтакор маиший касб-хунар коллежи; Сайхунобод саноат касб-хунар коллежи.

Жиззах вилояти бўйича жами 12 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди: Жиззах иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи; Жиззах ҳуқуқшунослик коллежи; Ғаллаорол тиббиёт коллежи; Ғаллорол саноат касб-хунар коллежи; Ғаллаорол ижтимоий иқтисодиёт коллежи; Жиззах Педагогика институти қошидаги “Сайилжой” 1-сонли академик лицей; Жиззах Педагогика институти қошидаги “Сайилжой” 2-сонли академик лицей; Жиззах тумани касб-хунар иқтисодиёт коллежи; Енгил саноат касб-хунар коллежи; Санъат коллежи; Жиззах педагогика коллежи; Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи.

Андижон вилоятида жами 10 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди: Андижон маиший касб-хунар коллежи; Избоскан тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи; Избоскан тумани енгил саноат касб-хунар коллежи; Андижон тумани иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллежи; Булоқбоши маиший хизмат касб-хунар коллежи; Булоқбоши иқтисодиёт ва енгил саноат касб-хунар коллежи; Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицей; Марҳамат тумани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи; Марҳамат тумани қурилиш индустриал касб-хунар коллежи; Асака тумани автомобилсозлик касб-хунар коллежи.

Наманган вилоятида жами 13 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди: Наманган санъат касб-хунар коллежи, Норин қурилиш ва сервис касб-хунар коллежи, Наманган педагогика институти қошидаги академик лицейи, Ирвадон иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Норин тумани педагогика касб-хунар коллежи, Наманган тумани “Олахамак” қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи, Наманган педагогика институти қошидаги Дўстлик академик лицейи, Наманган Маданият касб-хунар коллежи, Тўрақўрғон иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи, Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи, Чуст педагогика касб-хунар коллежи, Чуст тиббиёт касб-хунар коллежи, Наманган муҳандислик педагогика институти қошидаги 2-сонли академик лицей.

Фарғона вилоятида 10 та АРМлар фаолияти саволнома асосида ўрганилди: 2-Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Фарғона тиббиёт коллежи, Фарғона ҳуқуқшунослик коллежи, Фарғона давлат университети қошидаги академик лицей, Фарғона политехника университети қошидаги академик лицей, Қува тумани қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Қува тумани агросаноат касб-хунар коллежи, Тошлоқ тумани ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Тошлоқ тумани иқтисодиёт касб-хунар коллежи, Қўштепа тумани қурилиш ва саноат касб-хунар коллежи.

Ўрганишлар якуни бўйича вилоятларда семинарлар ташкил қилинди ва Миллий кутубхона мутахассислари томонидан барча АРМлари электрон кутубхонаси фондини тўлдириш мақсадида, 50-70 Гб хажмдаги электрон ресурслар тақдим этилди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 9-сон баёни 4-банди Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонасининг Республика ҳудудларидаги мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳолати, жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчилар учун ахборот-кутубхона хизматини такомиллаштиришни ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳи тузилди. Миллий кутубхона директори ўринбосари А.Ишматов жорий йилнинг март-апрель ойларида Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари кўзи ожизлар махсус кутубхоналари ишини саволнома асосида ўрганди, директор ўринбосари У.Тешабаева Сурхондарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхоналари ҳолатини ўрганиб чиқди. Мониторинг натижалари Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонасига тақдим этилди.

Тошкент вилояти Қибрай тумани Молия–иқтисодиёт касб-хунар коллежида 5 июнь куни “Ахборот-кутубхона ҳужжатларини сақлашни таъминлаш ва уларни жамғармадан чиқариш” мавзусидаги семинарда хизмат раҳбарлари Н. Холдорова, М.Мирходжаева, бош мутахассис А. Қиличбоевлар ўз маърузалари билан иштирок этди.

2015 йил 10 июнда Тошкент вилояти Зангиота академик лицейида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-ресурс марказлари

ўртасида “Йилнинг энг яхши ахборот ресурс маркази” кўрик танловининг II-босқичида кутубхона мутахассислари иштирок этди. Ушбу кўрик танловининг республика босқичи жорий йилнинг 14-15 декабрь кунлари Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Саноат ва сервис касб-хунар коллежида ташкил этилди ва унда Миллий кутубхона директори ўринбосари ҳакамлар хайъати таркибида иштирок этди.

Тадбирда Тошкент вилояти Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги барча ахборот-ресурс марказларидан иштирок этган мутахассислар учун Миллий кутубхона электрон кутубхонасидан 40 Гб (3 мингдан зиёд) ҳажмдаги электрон китоблар, аудио ва мультимедиа ресурслари, кутубхона мутахассислари томонидан тайёрланган 2015 йил - Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган “Кексалари эъзоз топган юрт”, Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Нафис кечинмалар куйчиси”, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Халқнинг ардоқли адиби” номли методик-библиографик қўлланмалар, шунингдек, “InfoLib ахборот-кутубхона Хабарномаси” журналининг №1,2 сонлари тақдим этилди.

Бўка туманидаги 15-сонли “Меҳрибонлик уйи” ахборот-ресурс маркази фондига кичик ёшдаги ўқувчилар учун 100 дан зиёд эртак китоблар билан амалий ёрдам кўрсатилди.

Миллий кутубхона мутахассислари А.Қиличбоев, Н.Холдорвалар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги С.Бородин номидаги уй-музейида сақланаётган китобларни хатловдан ўтказиш ва қайта баҳолаш ишчи гуруҳи таркибида методик ёрдам кўрсатишди.

Кутубхона раҳбар ва мутахассислари томонидан Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари марказига қарашли кутубхонага Миллий кутубхона электрон кутубхонаси фондидан электрон ресурслар тақдим этилиб, кутубхонашунослик иши бўйича методик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Миллий кутубхонанинг Низоми ва Республика методик кенгашининг баёни асосида ўрнатилган тартибда Миллий кутубхона муассислигида “InfoLib ахборот-кутубхона Хабарномаси” журналинини чоп этиш учун Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан оммавий ахборот-воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида 2015 йил 10 мартдаги №0846-сонли гувоҳнома берилди ҳамда журналнинг №1,2,3-сонлари нашр қилинди. Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайтига “InfoLib ахборот-кутубхона Хабарномаси”нинг электрон шакли жойлаштирилди. Ҳозирда журналнинг навбатдаги сонини нашр қилиш ишлари яқунланмоқда.

11. Ишлаб чиқариш амалиёти ва ходимлар малакасини ошириш

Миллий кутубхонада Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-кутубхона фаолияти йўналиши бўйича магистратурада тахсил олаётган II-курс магистрантлари: Боймирзаева Д. №601-13 АҚу гуруҳи; Гойилов Х. №601-13 АҚу гуруҳи; Козимов Ж. №601-13 АҚу гуруҳи 2015 йилнинг 9 февралдан 4 апрелига қадар Битирув амалиётини кутубхонанинг Илмий методик ва тадқиқотлар хизматида ўтадилар.

2015 йил 21 июндан 1 августга қадар Тошкент ахборот технологиялари университети «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» факультети II-курс 9 та талабаси, 29 июндан 25 июлга қадар III-курс 5 та талабаси ишлаб чиқариш амалиётида бўлдилар. Шунингдек, 2015 йил 1 июндан 15 июнга қадар Тошкент

давлат шарқшунослик институти “Араб филологияси” факультети III-курс 11 та талабаси ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар.

Ҳар бир амалиётга унинг раҳбари бириктирилди, талабаларга иш шароитлари яратилиб, тартиб-қоидалар ва хавфсизлик чоралари кўрилди.

12. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги чет тилларни ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази “Your School” (“Сизнинг мактабингиз”) фаолияти

Марказ 2014 йил 25-октябрда ташкил этилган. Уни ташкил этишдан асосий мақсад Миллий кутубхона ва республикадаги бошқа ахборот-кутубхона муассасалари негизида Ўзбекистонда чет тилларни оммавийлаштиришнинг асосий йўналишларини ривожлантиришда ташкилий ва маслаҳат кўмагини бериш, шахс, жамият, давлат манфаатлари йўлида чет тилларни ўрганиш бўйича кўшимча дастурлар ва хизматларни амалга оширишдан иборат.

Марказнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш мақсадида 2014 йилнинг 21 ноябрида “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги Чет тилларини ривожлантириш ва оммавийлаштириш маркази Низоми” қабул қилинди.

Ҳисобот даврида марказда инглиз тилини ўқитилиши йўлга қўйилиб, “Your English School”(Сизнинг Инглиз тили Мактабингиз) ташкил этилди. Унда жами 800 нафардан зиёд ёшлар чет тили сабоқларини олмоқда. Шунингдек, марказ етакчилари билан келишилган ҳолда аниқ мавзуларда дебат-муҳокамалар (28), суҳбатлар (27), “Менинг овозим” – шахс камолоти дарслари (28) инглиз тилида ташкил этилди.

Июнь ойидан марказда:

“Абитуриент-2015”- абитуриентларга ёрдам бериш дастури,

Your German School (Сизнинг Немис тили Мактабингиз “СНМ”) “YGS”

Your Mathematics School (Сизнинг Математика Мактабингиз “СММ”) “YMS”

Your Korean School (Сизнинг Корейс тили Мактабингиз “СКМ”) “YKS”

Your Japanese School (Сизнинг Япон тили Мактабингиз “СЯМ”)-“YJS”

“YES kids”- 1-синфдан 4-синфгача бўлган ёшлар учун инглиз тили дарслари

Your Physics School (Сизнинг Физика Мактабингиз “СФМ”) “YPS”

йўналишлари йўлга қўйилди.

Ҳозирда марказдаги ўқувчилар сони 1050 тага етиб, Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг “Хитой тили филологияси” кафедраси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Марказ кўнгиллиларини рағбатлантириш ва бўш вақтларини мароқли ўтказишларига кўмаклашиш учун қатор маданий тадбирларни ҳам ташкил қилиб боради. Жорий йилнинг июль-август ойларида марказ етакчиси томонидан “Сокол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида кўнгиллилар сифатида оромгоҳ маъмуриятига кўмаклашиш ва шу билан бирга, ҳордиқ олиш мақсадида йил давомида марказнинг барча ишларида фаол қатнашган кўнгиллилар учун дам олиш имконияти яратилди.

Ҳисобот даврида марказ йўналишлари бўйича 520 га яқин машғулотлар олиб борилди. 100 га яқин давра-суҳбатлар ташкил этилди.

